

Таълим муасасасаларида таълим-тарбия жараёнини мониторинг қилиш таълим тизимини бошқариш сифатининг кафолатидир

ҚХТХҚТМОИ Педагогика, психология ва таълим менежменти кафедраси мудири, доц. Расулов Т.Қ.

Мамлакатимизда таълим-тарбия ва кадрлар тизимини ислоҳ қилиш амалга оширилаётган бир пайтда таълим тизимини бошқариш сифатини ошириш ўта долзарб масаладир.

Бошқарув – менежмент соҳасида илмий изланишлар олиб боровчи олимлар (Р. Аҳлиддинов, Д. Олуройд, Ш. Қурбонов, Э. Сейтхалилов ва бошқалар) эътироф этишларича, таълимни бошқариш жараёни энг муҳим ва мураккаб меҳнат тури ҳисобланади. Ўзбекистонда 1997 йил 29-августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг асосий мақсади таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш эди. Ҳар қандай ислоҳот эса бошқарув билан боғлиқ. Одатда биз бошқарув деганда, раҳбарлик лавозимига расман тайинланган шахсларнинг фаолиятини тушунамиз. Аслида эса жамоанинг ҳар бир аъзоси ўзини ва ишини бутуннинг бўлагини бошқаргандай яхши бошқарса, махсус бошқаришга эҳтиёж кам бўлади. Ҳар бир ходимнинг ўзи бошқариш вазифасини бошқара олади.

Таълим-тарбия жараёни ҳар бир иштирокчининг фаолияти уни бу жараёни бошқаришга дахлдордир. Шу сабабли таълим-тарбия жараёнини ўз вақтида мониторинг қилиб бориш муҳим ҳисобланади. Мониторинг бошқарувнинг муҳим омилига айланиши учун ўзида муайян фаолият тизимини акс эттирган ҳолда ташкил қилиниши керак. Мониторинг бошқарувнинг муҳим омилга айланиши учун ўзида муайян фаолият тизимини акс эттирган ҳолда ташкил қилиниши керак. Мониторингнинг ташкил этилиши аниқ бир ўқув-тарбиявий жараённинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мониторингни хилма-хил шакл, тур ва воситаларини уйғунлигини аниқлаш ва танлаш билан боғлиқ. Шу сабабли, мониторинг қандайдир иш ёки фаолият турларини сақлаб қолиш ёки уни

Ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос ҳисобланиши билан бирга ўзи қарор қабул қилиш соҳаси ҳам бўлиши керак.

Таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини мониторинг қилиш камрови кенг бўлиб, унда асосий эътибор “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг бажарилиши, ички тартиб-қоидаларга амал қилиниши, ўқув фанларини ўқитилиши ва ўқувчилар билими, маҳорати, кўникмаларининг сифати ҳамда Давлат таълим стандартлари талабларини тўлиқ бажарилишини таъминлаш каби соҳаларни ҳам ўз ичига олади.

Таълим-тарбия соҳасини мониторинг қилиш қуйидагича мақсадларни кўзда тутди:

- мавжуд аҳволни ўрганиш;
- таълим-тарбия жараёнини яхшилаш чораларини аниқлаш;
- самарадорликни ошириш ҳақида тавсиялар бериш;
- истиқбол режалари учун таклифлар беришдан иборат.

Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини мониторинг қилишнинг бир нечта йўналишлари бўлиб, меъёрий ҳужжатлар ижроси, мониторинги, ўқув жараёнини сифатини аниқлаш мониторинги, тарбиявий жараён мониторинги, методик ишлар мониторинги, инновацион жараён мониторинги, мактаб жамоасидаги маънавий – руҳий муҳитни ўрганиш мониторинги ва бошқа шу кабилардан иборат. Ҳозирги кун замонавий таълимни янги сифат босқичига кўтариш учун мониторингни барча йўналишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Мониторинг йўналишларининг ҳар бири бир нечта фаолият турларини қамраб олган бўлиб, айниқса ўқув жараёнини мониторинг қилишда мактаб педагогик кадрлар билан таъминланганлигини яъни ўқитувчиларнинг сони, мутахассислиги, маълумоти, ёши, жинси ва бўш ўринлар мавжудлиги ўрганилса, педагогларнинг касбий тайёргарлик даражаси мониторингида эса уларнинг тоифалари, меҳнат стажи, аттестация натижалари, малака ошириш ва қайта тайёрловдан ўтганлиги, кўрик-танловлар, мусобақалар, олимпиадалар ва анжумаларда иштирок этганлиги аниқланади.

Мониторинг жараёнида ҳар бир ўқитувчи-педагогнинг дарсларга тайёргарлигини мониторинг қилиш орқали уларнинг дарс режимлари, дарс ишланмалари сифати ва зарур ўқув воситалари билан таъминланганлик даражаси таҳлил этилади.

Бу йўналишда энг муҳим фаолият турларидан бири дарс жараёнининг сифати ва самарадорлигини мониторинг қилишдир. Шунингдек, ўқув фанларининг ўқитилиши, таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик технологияларни қўллаш, ахборот коммуникацион технологиялардан мақсадли фойдаланиш ҳамда фанлар бўйича ўтказиладиган машғулотларнинг давлат таълим стандарларига мослиги ҳам ҳар томонлама мониторинг қилиниши зарур.

Ҳозирги кун замонавий таълимини янги сифат босқичига кўтаришда ўқувчилар ўзлаштиришини ДТСга мослигини ўта зарур вазифалардан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, таълим муасасаларида таълим-тарбия жараёнини ўз вақтида мониторинг қилиш ва мониторинг натижаларига биноан таълим-тарбия жараёнини яхшилаш чораларини белгилаш ва бу соҳада самарадорликни оширишга қаратилган аниқ ва тиниқ тавсияларни ишлаб чиқиш таълим сифатини оширишни хусусан таълим тизимини бошқариш сифатини оширишни кафолатлайди.